



ИШОНСН


ЎЗБЕКИСТОН КАСАБА УЮШМАЛАРИ ФЕДЕРАЦИЯСИ ГАЗЕТАСИ

2000 йил 29 сентябр, жума № 143 (975)

СЕШАНБА, ЧОРШАНБА, ЖУМА ВА ШАНБА КУНЛАРИ ЧИҚАДИ

БИЗ БИР ҚУШНИНГ ИККИ ҚАНОТИМИЗ

Хабар қилинганидек, 26-27 сентябр кунлари Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримов расмий ташриф билан Қирғизистон Республикасида бўлди



Бишкек сафариининг айна шу кунларда амалга оширилишида катта раъсий маъно бор. Утган йилги Боткен воқеалари, бу йил Ўзбекистон ва Қирғизистоннинг жанубий худудларига террорчилар бостириб киргани ўзаро муносабатларда жиддий бурилиш ясади. Бу бурилиш расмий тарзда ўзининг ҳуқуқий асосига ҳам эга бўлиши, қолаверса, кейинги ўзгаришлардан чиқарилган ҳулосалар умумлаштирилиб, йиғилиб қолган масалаларни баҳамжихат ҳал қилиб олиш зарур эди. Бишкекдаги музокараларда томонларнинг диққат-марказида турган энг асосий масалани учрашув якунида қабул қилинган ҳужжатдан билиш мумкин. Ўзбекистон билан Қирғизистон ўртасида Ҳарбий ва ҳарбий-техникавий ҳамкорлик тўғрисидаги шартнома имзоланди.

Аҳамияти жиҳатидан Абодий дўстлик ҳақидаги ҳужжат билан ёнма-ён турадиган бу шартноманинг тузилиш сабаблари ва тарихи сир эмас. Ўз даврида, Боткен воқеаси мамлакатларимиз ҳарбийларининг елкама-елка ишлашга тайёр эмаслигини кўрсатди. Бундан яхши сабоқ олинди. Натижада террорчиларнинг бу йилги хуружи ортқича қийинчиликларсиз бостирилди, зарур тайёргарлик кўрилди, икки мамлакат ҳарбийлари ўзаро мувофиқлаштирилган тарзда иш тутди. Шундай қилиб, террорчиларнинг икки бор қилган хуружи Ўзбекистон билан Қирғизистон ўртасида ҳарбий соҳада яқин ҳамкорликни юзага келтирди. Энди уни янада тақомиллаштириш ва ҳуқуқий асосга қўйиш зарурати туғилган эди.

Ҳарбий ва ҳарбий-техникавий ҳамкорлик тўғрисидаги шартномани Марказий Осиёнинг тўрт давлати - Ўзбекистон, Қозғистон, Қирғизистон ва Тожикистон президентларининг шу йил Тошкентда бўлган учрашуви якунида қабул қилинган ҳужжатнинг маънавий давомини, деб ҳам айтиш мумкин.

Ўшанда террорчилик, экстремизм ва минтақа барқарорлигига таҳдид солаётган бошқа хавф-хатарга қарши биргаликда чора-тадбирлар кўришга келишиб олинган эди.

Умуман олганда, ҳозир Марказий Осиёда ҳукм сураётган вазиятдан келиб чиқиб, минтақанинг барча мамлакатлари икки томонлама асосда ўзаро шундай ҳужжат қабул қилиши мақсадга мувофиқдир. Бу сиёсий фойдадан ташқари, кўпгина ноўрин гап-сўзлар, турли англашилмовчиликлар билан келишиб олинган олдиди олади. Минтақанинг бир мамлакатига таҳдид бутун минтақани таҳдиддир. Бошга ташвиш тушганда, биргаликда унинг чорасини кўриш ўрнига, бир-бирини айблаш, турли уйдирмалар билан шугулланиш айна ўша, бизга ёмон кўз билан қараётганларга кўз келади. Масалан, Афғонистонда «Толибон» ҳаракати муваффақиятга эришаётгани хориждаги айрим оммавий ахборот воситалари учун пашшадан фил ясаб, шов-шув қилиш учун озуқа бўлди. Бу минтақа мамлакатлари халқларини сароини сароини солиш, хориждаги одамларда эса бу ерда келатган воқеалар ҳақида

нотўғри тасаввур ҳосил қилишга уринишдан ўзга нарса эмас. Таҳликали хабарлар маҳаллий аҳоли ўртасида ваҳима уйғотса, бунини бостириш осон. Лекин минтақамизга сармоа киритишни ўйлаб юрган хориждаги ишбилармонларнинг тасавури ўзгарса, улар ўз ниятидан воз кечиши тайин. Ислом Каримов уйдирмалардан асосий мақсад ана шу сармоадорларнинг Марказий Осиёдан юз ўгиришга мажбур этишдан иборат эканлигини алоҳида таъкидлади.

Айрим оммавий ахборот воситаларида, «Толибон» ҳаракатининг жанговар ютуқлари ҳақида гап кетганда, толиблар Афғонистонни бутунлай ишғол қилиб, у ерда ўзининг ягона ҳокимиятини ўрнатади, кейин, эҳтимол, Марказий Осиё давлатларида шарият аҳкомларини қарор топтириш учун янги юришларни бошлади, деган мазмундаги фикрлар учраб қолади. Афсуски, «Толибон» Шимолий иттифоқ устидан мутлақ галаба қозongan тақдирда ҳам Афғонистонда бирданига тинчлик қарор топиб қолмайди. Толибларнинг янги рақиби пайдо бўлиши э улар ўзлари низога киришиши эҳтимоли йўқ эмас.

Воқеалар бундай тарзда ривожланмаган тақдирда ҳам Марказий Осиёга хуруж қилишнинг имкони бўлмайди. Чунки мамлакатни тиклаш, давлатни мустақамлаш керак бўлади. Бу эса бирон ўн йилсиз, қолаверса, ташки ёрдамсиз, айниқса, Марказий Осиё мамлакатларининг кўмагисиз битмайдиган иш.

Минтақа давлатларининг икки томонлама асосда ҳарбий ҳамкорлик бўйича келишувга эришиши яна шунинг учун ҳам мумкин, сўнгги йиллардаги кузатишлар турли минтақавий тузилмаларнинг самарали фаолият кўрсатмаётганини намойён этди. Дейлик, МДХ доирасида қабул қилинган коллектив хавфсизлик тўғрисидаги шартнома шу вақтгача кўзга кўринарли иш бергани йўқ. Ўзбекистон шунинг учун ҳам ундан чиқди. Кейин эса Россия билан икки томонлама асосда ҳарбий ва ҳарбий-техникавий ҳамкорлик бора расида шартнома қабул қилинди. Бугун навбат Қирғизистонга келди. Хулоса қилиш учун аввал икки томонлама келишиб олиш керак. Чунки икки мамлакат ўртасидаги ҳужжат ҳар томонлама ўйланган, икки томоннинг ҳам манфаатлари инобатга олинган ҳолда тузилди. Кейин бирор шарт бажарилмаганда, бемалол даъво қилиш мумкин бўлади. Авваламбор, шартлар бажарилмай қолмайди, чунки ҳужжат қабул қилинганга қадар барча имкониятлар ўрганиб чиқилади ва

имконият даражасидаги ва зифаларига зиммага олинади. Энди воқеаси Афғонистондаги воқеаларга келсак, Мазкур шартноманинг имзоланишига бевосита афғон моҳариси сабабчи, десак хато бўлмайди. Террор ва наркотики бизнеси марказига айланиб қолган бу мамлакатда тинчлик ўрнатилмас экан, биринчи навбатда Марказий Осиё мамлакатлари хавфсизлик ташвишини чекаверди. Бу моҳаро тугамагунча минтақадан ҳаловат бўлмайди. Афсуски, террорчилар шу ердан чиқаётгани, дунё бўйича ишлаб чиқарилаётган наркотик моддаларнинг 70 фоизи Афғонистон ҳиссасига тўғри келишини била туриб, халқро ҳамжамият бу бемаъни урушни тўхтатишга етарли эътибор қаратмапти. Президент Ислом Каримов БМТ ва бошқа нуфузли халқро ташкилотлар, БМТнинг Хавфсизлик кенгашига доимий эъзо бўлган қудратли давлатлар Афғонистондаги вазият нечоғли кескинлигини, у олиб келиши мумкин бўлган оқибатлар қанчалик муҳимлигини теран англамаётганини таъкидлади.

Ўзбекистон Президенти Ислом Каримов Марказий Осиёга таҳдидни жанубдан секин ўрмалаб келётган террорчилик ва экстремизмда қўришни ҳаммаша таъкидлаб келади. Бишкек учрашувида давлат раҳбарлари яна бир қарра жаҳон ҳамжамиятини бу таҳдиддан огоҳ этганда, уни зангга қийб қилдилар. Темир занглагани кўзга кўринади, аммо унга ортқича эътибор

берилмайди. Кун келиб эса занг бутун темирни кераксиз майда зарраларнинг бир сиқимиға айлантиради. Ана шу занг Афғонистондан келатгани ва унинг оқибати аён бўлган ҳолда, муаммо эътибордан четда қолаётгани ачинарли. Афсуски, бу урушнинг давом этишиға фақат Афғонистондаги воқеаларға, унинг ички ишларига четдан аралашилар сабаб бўлаётгани йўқ. Афғонистон катта сиёсий ўйиннинг қурбони бўлиб қолмай, бангилар ва бангиларнинг мамлакатига айланган қолган. Таъкидланганидек, дунёда етиштирилаётган «оқ оғунинг 70 фоизи унинг ҳиссасига тўғри келади. Курол-яроғ ана шу оғу савдоси ортидан келган маблағ авазига қўлга киритилади. Бинобарин, уруш давом этaveraди. Бу ерда бир қарашда сезилмайдиган, ўта усталик билан ишланган ниқобни кўриш мумкин. Наркомафия ҳам, террор ҳам гўё сиёсий мақсадларға эга, бу мақсад гўё диний ақидаларға таянади. Аслида террорни мафия, террор эса мафияни ниқоб қилляпти. Очироқ айтсак, уларнинг илдизи бир. Марказий Осиёға хуруж қилган террорчиларнинг асосий мақсадларидан бири етиштирилган тонналар наркотикини «жаҳон бозори»ға олиб чиқиш учун йўللар очиш эди. Мантқани олиб қараганда, минтақамиз Европада элтувчи энг яқин, қулай ва арзон йўл ҳисобланади.

Бишкекдаги учрашувларда таъкидландики, террорчиларнинг хуружи бостирилганидан хотиржамликка берилиш мумкин эмас. Зеро, юрридагилардан келиб чиқиб айтиш мумкинки, уларнинг ортида турган раҳнамолар ҳали ўз ниятидан воз кечгани йўқ. Тонналар наркотик моддаларни хориждаги «агалар»ға етказиб бериш керак. Хуружларнинг сурункали тус олганиға сабаб шу. Эндиғи вазифа мудофаа қудратини ошириш, террорчиликни қийиб келиши мумкин бўлган йўллари ёпиш, мувофиқлаштирилган тарзда иш юритиш, қўша чораларни янада тақомиллаштириш, махсус ҳарбий гуруҳлар ташкил этишдан иборат.

(Давоми 2-бетда)

Ўзбекистон Республикаси Вазирилр Маҳкамасининг ҚАРОРИ

ҲАРБИЙ ВА МУҚОБИЛ ХИЗМАТНИНГ БЕЛГИЛАНГАН МУДДАТЛАРИНИ ЎТАБ БЎЛГАН ШАХСЛАРНИ ҚУРОЛЛИ КУЧЛАР САФЛАРИДАН ЗАҲИРАГА БЎШАТИШ ҲАМДА ФУҚАРОЛАРНИ МУДДАТЛИ ҲАРБИЙ ВА МУҚОБИЛ ХИЗМАТГА НАВБАТДАГИ ЧАҚИРИШ ТЎҒРИСИДА

«Умумий ҳарбий мажбурият ва ҳарбий хизмат тўғрисида» ва «Муқобил хизмат тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси қонунлариға мувофиқ Вазирилр Маҳкамаси қарор қилади:

1. Ҳарбий ва муқобил хизматнинг белгиланган муддатларини ўтаб бўлган шахслар Ўзбекистон Республикасининг Қуролли Кучлари сафларидан заҳираға бўшатилин.

2. 1973-1982 йилларда туғилган, чақирик муддатини узайтириш ҳуқуқиға эга бўлмаган Ўзбекистон Республикаси фуқаролари 2000 йилнинг октябр-ноябр ойларида муддатли ҳарбий ва муқобил хизматға чақирилсин.

Вазирилр Маҳкамасининг Раиси И.КАРИМОВ
Тошкент шаҳри,
2000 йил 28 сентябр

ИСЛОМ КАРИМОВ НОМИДАГИ ТУРНИР

1 октябрда Лондонға тутай Бедфорд шаҳарчасида кураш бўйича Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримов номидаги турнир бўлиб ўтади. Унда Буюк Британиянинг барча жойларидан 80 нафар спортчи иштирок этади.

Британия кураш ассоциацияси ташаббуси билан ташкил этилаётган ушбу мусобақа Халқро кураш ассоциациясининг фахрий Президенти, Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримов шарафига унинг номи билан аталади. Буюк Британияда кураш бўйича турнир биринчи марта ўтказилмоқда. Британия кураш ассоциацияси президенти жаноб Тимоти Томаснинг айтишича, ташкилий қўмита турнир юқори даражада ўтиши ва курашчи Европада тарғиб қилиш ҳамда ривожлантиришға муносиб ҳисса қўиши учун барча имкониятларни ишға солади. Бугунги кунда жаҳонда 31 та кураш ассоциацияси фаолият кўрсатмоқда. Мазкур мусобақалардан Ўзбекистондан 6 нафар курашчи қатнашади.

(ЎЗА)

АЛМАШУВ НОТАЛАРИ ИМЗОЛАНДИ

28 сентябр кунини Ўзбекистон Республикаси Вазирилр Маҳкамасида мамлакатимиз Бош вазирининг ўринбосари Х.Кароматов ҳамда Япониянинг Ўзбекистондаги Фавакулода ва муҳтор элчиси К.Накаяма ҳукуматларaro алмашув ноталарини имзолади.

Япония ҳукумати томонидан мамлакатимизға маданият соҳаси эҳтиёжларини қоплаш учун бегараз ёрдам кўрсатишға қарор қилинган. Имзоланган ҳужжатлар ана шу қарор доирасида тузилган бўлиб, Ўзбекистон Давлат амалии санъат музейини аудио-визиуал техника билан жиҳозлашни молиялаштиришға қаратилган. Япония ҳукумати бу мақсад учун 46 миллион иен (440 минг АҚШ долларига яқин) ажратди.

Бир ой аввал ҳам кунчиқар мамлакати болалар вакциналарини харид қилиш учун бегараз ёрдам сифатида Ўзбекистонға 204 миллион иен ажратган эди. Ундан олдин Алишер Навоий номидаги Ўзбекистон Республикаси Давлат Академик катта театри, Ўзбекистон Давлат санъат музейи, Жаҳон иқтисодиёти ва дипломатия университети, Тошкент шаҳар ҳокимлиғиға бегараз ёрдам кўрсатилган.

Кейинги вақтда Ўзбекистон билан Япония ўртасида турли йўналишдаги ҳамкорлик кенгайиб бораётгани кўнарилади, -деди Япония элчиси Киоко Накаяма ўза муҳбири билан сўхбатда. -Биз алоқаларни янада ривожлантириш ниятидаимиз. Япония ҳукумати яқин кунларда мамлакатингиз маориф соҳасини моддий ва маънавий жиҳатдан қўллаб-қувватлаш ҳамда аёллар учун янги иш ўринлари ташкил этишға кўмаклаш мақсадида кичик хамда бегараз ёрдам кўрсатишни режалаштирмоқда. Бундан ташқари, келаси ой юртингизда Япония маданият кунлари бўлиб ўтади. Ҳозир ана шу йуриқ тадбирға қизгин тайёргарлик кетаяпти. Тадбир доирасида ўзбекистонликларни нафақат япон халқининг маданияти, санъати, урф-одат ва аънавлари билан таништириш, балки Тошкент ва Самарқанд шаҳарларида қатор хайрия тадбирлари ўтказиш ҳам мўлжалланаяпти.

(ЎЗА)

Муаммо кўндаланг қўйилади

ИЖТИМОЙ СУҒУРТА БАДАЛЛАРИДАН ҚАРЗДОРЛИК

КАСАБА УЮШМАЛАРИ ИМКОНИЯТИНИ ЧЕКЛАМОҚДА

Фарзандининг баркамоллиги, селоматлиғи ҳар бир инсон орзусидир. Шунинг учун Президентимиз ва ҳукуматимиз ёш авлод тарбиясига катта эътибор бериб келмоқда. 2000 йилнинг «Соғлом авлод йили» деб эълон қилиниши бу борадаги ишларни янги погонга кўтарди. Вазифалар касаба уюшмаларининг меҳнаткашларни ва уларнинг фарзандларини соғломлаштириш ишларига янада масъулият билан ёндашувини тақозо этмоқда. Самарқанд вилоят касаба уюшмалари Кенгаши ва қуйи ташкилотлари бу борада бир мунча ишларни амалға оширмоқда. Жумладан, шу йилнинг биринчи ярмида санаторий—курортларда 1202 нафар киши соғломлаштирилди. Вилоятдаги 12 та санаторий-профилакторийларда 4368 киши селоматлигини мустаҳкамлаб олди. Айниқса, бу йил она ва болаларнинг, талаба ёшларнинг дам олишиға кўпроқ эътибор берилди. Шу билан бирға 31 та доимий ва 60 та

кундузги оромгоҳларда меҳнаткашларнинг 25400 нафар фарзанди ҳордиқ чиқарди. Мазкур тадбирлар соғлиқни сақлаш, таълим ва фан, геология тармоқларида, «Алпомиш» ҳиссадорлик жамиятида, Каттакўрғон, Нарпай, Пахтачи, Тойлоқ туманларида ибратли даражада амалға оширилди. Афсуски, айрим тармоқларда ва корхоналарда маблағ етишмаслиғи рўқач қилиниб, меҳнаткашлар санаторийларға йўлланмалар билан етарли таъминланмаяпти. Худди шундай сабабларға кўра «Гелиос» заводига қарашли Ю.Ғагарин номи ҳамда «Қалдирғоч» болалар

оромгоҳлари ишламади. Бунинг биринчи сабаби ҳўжалик, ташкилотлар ўз тасарруфларидаги оромгоҳларни зарур жиҳозлар билан таъминланмаганидир. Ачинарлиси, мазкур корхоналарнинг раҳбарлари жимжимдор имзо чекиб тасдиқлардан тадбирлар қозғода қолиб кетмоқда. Пастдаргом тумани қишлоқ ва сув ҳўжалиғи бошқармаси, Жума пахта заводи, Самарқанд кимё заводи раҳбарлари бу ишға ўз муносабатларини ўзгартириш учун вилоят ҳокимлиғи болаларни ёғи соғломлаштиришға оид ўз қарорининг ижросини қатъийроқ назорат қилиши лозим эди. Холбуки, бу масала-

да асосий масъулият фақат касаба уюшмалари зиммасига тушмоқда. Иккинчи сабаб — ижтимоий суғурта бадаллари тўлалиғича йиғилмаётганидир. Бу борада корхоналарнинг касаба уюшмаларидан қарзи юқорилиғича қолмоқда. Ута муҳим масала жамоа шартномаларида назарда тутилган бўлса—да, корхона ва ташкилотларнинг маъмуриятлари ўз мажбуриятларини тўлиқ бажаришмаяпти. Айниқса, қурилиш, агросаноат, автотранспорт, енгил ва маҳаллий sanoat тизимида аҳвол қаноатланарли эмас. Ижтимоий суғурта бадалларидан қарзининг мавжудлиғи касаба уюшма-

ларининг имкониятларини чеқлаб қўймоқда. Соғлом инсонларни шакллантиришда маънавий—маърифий тарбиянинг ҳам ўрни катта. Айни пайтда бу мақсад йўлида вилоятда касаба уюшмаларига қарашли битта маданий саройи, 98 та маданият уйлари ва клублар ишлаб турибди. Улардаги турли тўғаракларға 6 минг нафарға яқин киши жалб этилган. Бундан ташқари, касаба уюшмаларининг 226,3 минг нусха китоб фондига эга 63 та кутубхонаси меҳнаткашлар хизматидадир. Доимий китобхоналар сони муттасил ошиб бормоқда. Касаба уюшмалари мадани-

ят муассасалари ходимлари ташаббуси билан жойларда турли кечалар, давра сўхбатлари, кўрик—танловлар ўтказилапти. Лекин қуйи касаба уюшма ташкилотлари ўз маданият муассасалари ишини жонлантиришға етарли эътибор бермаётгани бор гап. Уларни бу борада ҳўжалик ташкилотлари ҳам қўллаб қувватламаяпти. Самарқанд, Пастдаргом, Челақ, Кўшработ туманларида, «Баҳодир» хиссадорлик жамиятида ниҳоят бу соҳада ўзгариш бўлиши кутилмоқда. Самарқанд вилоят касаба уюшмалари Кенгашининг пленумида ана шу масала ва бошқа муаммолар ҳақида атрофлича сўз юритилди. Хулоса шу бўлдики, юқорида қайд қилинган масалаларнинг қай даражада ҳал этилиши корхоналар маъмуриятлари жамоа шартномасида қабул қилинган мажбуриятларини қандай бажаришлариға боглиқдир.

Рустам ҚУРБОНОВ, «Ишонч» муҳбири.

БИЗ БИР ҚУШНИНГ ИККИ ҚАНОТИМИЗ

(Боши 1-бетда)

Киргизистонда президентлар имзо чеккан иккинчи ҳужжат ўзаро муносабатлари янада ривожлантиришга қаратилган Қўшма баёнот бўлди. Музокараларда таъкидланганидек, бугунги кунда Ўзбекистон билан Киргизистон ўртасидаги муносабатларда масалаларга амалий ёндашиш устуворлик касб этмоқда. Ҳозир қандай масалалар ечимини кутаяпти? Аввало, бир-бирини тўлдирувчи соҳалар бўйича алоқаларни тартибга солиш керак. Масалан, Ўзбекистондан Киргизистонга газ узатиш ё Киргизистоннинг сув-энергетика захираларидан унумли фойдаланиш масаласини олайлик. Ўзбекистон электр қуввати ишлаб чиқариш учун газ ёқади. Газ эса қайта тикланмайдиган табиий модда. Иккинчидан, газ - валюта. Киргизистонда эса электр қуввати ишлаб чиқариш имконияти катта. Лекин электр қувватини бирор оморда сақлаб бўлмади, ўзидан ортганини фақат сотиш керак. Харидор бўлмагани сабабли корхоналар тўла қувват билан ишламаяпти. Шунинг учун газ ва электр қувватининг олди-беридиси тартибини қайта кўриб чиқишга келишиб олинди.

Транспорт коммуникацияси соҳасида ҳам ечимини кутаётган масалалар бор. Тошкент-Андижон-Ўш-Ирқитом-Қашқар йўналиши бўйича автомобиль ва темир йўл транспорти қатновини йўлга қўйиш ва шу орқа-

ли Европа билан Осиёни боғлайдиган улкан Париж-Пекин магистрални тугатиш икки мамлакатга ҳам катта фойда келтиради. 2-3 йил бурун Ўзбекистон ҳукуматининг кўмаги билан бу магистралнинг Киргизистондан Хитойгача бўлган қисмида қурилиш ва тиклаш ишлари бошланган эди. Лекин тоғлиқ худудларга террорчилар бостириб киргани, бу ҳужжатнинг оқибатлари туфайли сўнгги вақтларда ишлар сусайиб қолди. Бишкекдаги музокараларда томонлар икки қитъани боғловчи бу магистралнинг аҳамияти юқори эканлигини таъкидлаб, мўлжалдаги ишларни ниҳоясига етказиш борасида ўзаро келишиб олди. Шунингдек, Киргизистон Президенти Аскар Акаевнинг Жалолобод-Ўш йўналиши бўйича поезд қатновини ташкил қилиш борасидаги таклифи маъқулланди.

Икки мамлакат делегацияларининг музокаралари якунида Ўзбекистон билан Киргизистон ўртасида Консуллик конвенцияси, адлия вазирликлари ҳамда божхона хизматларининг ҳамкорлиги тўғрисидаги битимлар ҳам имзоланди. Бу ҳужжатлар ҳам бугунги куннинг талабидан келиб чиққан ҳолда тузилган. Масалан, визали тартиб ўрнатилгандан кейин, албатта, икки мамлакат ўртасида консуллик конвенцияси имзоланиши, фуқаролар борди-келдисининг ҳуқуқий асоси яратилиши керак. Божхона соҳасига тегишли ҳужжат эса ўзаро савдо-сотиққа ҳалал бераётган турли бож тўловларини, чегарадан маҳсулот олиб ўтиш тартибини энгиллаштириш, бошқа муаммоларни бартараф этишга қаратилган.

Президент Ислоҳ Каримовнинг Бишкек сафари гоёт сермазмун, икки мамлакат учун фойдали натижалар билан якунланди, десак муболага бўлмайди. Давлатимиз раҳбари Бишкекка жўнаб кетиш олдидан Тошкент аэропортида интервью бераётиб, ўзбек ва қирғиз халқларининг азалий дўстлиги ҳақида сўзлаган эди. Бишкек сафари бу азалий дўстлик нечоғли мустаҳкам эканини кўрсатди. Биз бир-биримизга кераклигимизни, ҳар қандай шароитда елкадош бўлишимиз зарурлигини унутмаймиз. Ҳарбий ва ҳарбий-техникавий ҳамкорлик тўғрисидаги шартнома бир-биримиз учун ҳавфсизликнинг қўшимча қафолати бўлади. Қўшни, ҳавф келганда, кўшнисини ёлғизлатиб қўймаслиги расмий ҳужжатда ўз аксини топди. Бошқа ҳужжатлар ҳам азалий қардошлик ва биродарлик руҳидаги алоқаларни янада мустаҳкамлашга хизмат қилади. Киргизистон пойтахтининг кўчаларида Ислоҳ Каримовнинг «Ўзбек ва қирғиз халқларининг тарихий ҳамкорлик ва дўстлик» қўшимча қафолати бўлади. Қўшни, ҳавф келганда, кўшнисини ёлғизлатиб қўймаслиги расмий ҳужжатда ўз аксини топди. Бошқа ҳужжатлар ҳам азалий қардошлик ва биродарлик руҳидаги алоқаларни янада мустаҳкамлашга хизмат қилади. Киргизистон пойтахтининг кўчаларида Ислоҳ Каримовнинг «Ўзбек ва қирғиз халқларининг тарихий ҳамкорлик ва дўстлик» қўшимча қафолати бўлади.



Жамоа шартномаси амалда

АЁЛ ЧЕҲРАСИДА ТАБАССУМ

... Касабақўм хонасига ийманибгина кирган аёл қўлидаги бир варақ қоғозни раисга узатаркан, ҳижолатомуз ерга қаради. У битикларга кўз югуртиргач аёлга юзланди:

— Омадингиз бор экан. Ҳозир айнан сиз айтган сўхатгоҳга йўланма бор.

Шу куним кимё цехида ишловчи Лола Тоғаева «Чинобод» сўхатгоҳига йўланма олиб, сафар таратқувига тушди...

Юқоридаги воқеа Талимаржон ГРЭСи дирекцияси касабаси уюшма кўмитаси раиси Анвар Ашуровнинг меҳнат фаолиятидан бир лавҳа. Айни пайтда жамоада меҳнат қилаётган 1500 нафардан ортқ ишчи-хизматчи учун барча шарт-шароитлар яратилган. Жамоа шартномасининг асоси ишчиларни ҳимоялашга қаратилган

бўлиб, ундан қулай иш шароитлари яратиш, меҳнатга ҳақ тўлаш ва соғломлаштириш сингари масалалар ўрин олган.

Бугунгача 34 нафар ишчи республиканинг турли сўхатгоҳларида дам олиб, саломатликларини тиклаб қайтидилар. Ёзда эса 80 дан ортқ фарзандлар Китеб туманидаги «Нурафшон» оромгоҳида дам олишди. 50 нафар кам таъминланган ишчи-хизматчилар оилалари ёрдамчи хўжаликда етиштирилган маҳсулотлардан баҳраманд бўлаётир. Ишчиларнинг уй-жойига бўлган талаби қондирилмоқда.

— Яқинда кам таъминланган Жумагул Қаршиева мурожаат қилди, — дейди касабаси раиси А. Ашуров. — Унинг икки нафар фарзанди бетоблиги эъти-

борга олиниб, иш ҳақининг икки баравари миқдорда ёрдам пули бердик. Шунингдек, Нуристон шаҳарчасидаги Қори-Нийёзий номли ўрта мактаб ўқувчиларига 100 минг сўмлик ўқув қуроллари ҳамда спорт анжомлари ҳадя этилди. «Камалак» болалар богчаси тарбияланувчилари эса турли ўйинчоқлар билан сийланди.

ШАВКАТ СУЛТОН, «ИШОНЧ» МУХБИРИ.

Суратларда: 1. Мухоммадий уйлар қуришда жонбозлик кўрсатаётган илгор электр пайвандчи Шавкат Курбонов. 2. ГРЭСнинг бош биноси. 3. Касабақўм раиси А. Ашуров (чапдан биринчи) ишчилар билан галдаги вазифалар хусусида фикрлашмоқда.

Кўрик — танлов

Шу йилнинг 10 июлидан 9 августга қадар Тошкент — Андижон — Ўш автомагистралнинг 339-360 километрларида Мустақилликнинг 9 йиллиги байрамга бағишланган республика кўрик-танлови бўлиб

КАТТА ИМТИҲОН

Ўтди. Андижон вилояти ҳокимлиги ва «Андижоннавтоўй» бирлашмаси ташаббуси билан уюштирилган кўриқда республикамизнинг 21 та вилоят бирлашмалари, туман бошқармалари йўлсозлари қатнашдилар. Улар қисқа муддат ичида белгиланган йўллари тез ва сифатли таъмирладилар, йўл белгиларини ўрнатдилар, ободонлаштириш ва кўкаламзорлаштириш ишларини амалга оширдилар.

«Андижоннавтоўй» бирлашмаси маъмурияти ва касабаси уюшма кўмитаси томонидан танловда иштирок этувчилар учун шарт-шароит яратиб берилди.

20 кун давом этган танловда «Наманганнавтоўй» бирлашмаси ва «Жалолқудук туман автомобиль йўллари бошқармаси бош муқофотлари олишга мўяссар бўлдилар. Уларга «Дамас» машиналари соғва қилинди. «Фаргонавтоўй», «Бухороавтоўй» бирлашмалари ва Хўжабод туман автомобиль йўллари бошқармаси йўлсозларига иккинчи муқофот, компьютер ҳамда видеокилик насиб этди. 21 та авторейдерчининг ҳар бири «DAEWOO» рангли телевизор билан муқофотланди. Бундан ташқари кўриқда фаол қатнашган ишчи-хизматчилардан 250 нафарга гилам, вилоят касабаси уюшмалари Кенгашининг фахрий ёрлиги ҳамда сўхатгоҳларга бепул йўлланмалар билан тақдирландилар.

Гофур БЕРДИЕВ, «Андижоннавтоўй» бирлашмаси касабаси уюшма кўмитаси раиси.

Жорий йилнинг 1 октябрга қадар моддий жиҳатдан кам таъминланган оилаларнинг фарзандлари, 312 минг 344 ўқувчи кишилик кийимлар билан таъминланади.

ЎҚУВЧИ ФАРЗАНДЛАРИМИЗГА МЕҲРИБОНЛИК

—Тўрт йилдан буён биринчи синф ўқувчилари барча дарсликлар ва ўқув қуроллари билан тўлиқ таъминланиб келинмоқда. Бу йил эса республикамизда 630 минг 499 бола биринчи синфга қадам қўйди. Уларнинг ҳар бирига давлат томонидан ғамхўрлик қилинди, — деди Халқ таълими вазирлигининг «Таълимсавдо» бош бошқармаси бўлим бошлигининг ўринбосари Анвар Алимухамедов «Туркистон-пресс» муҳбири билан сўхбатда. — Ғамхўрликни ўз вақтида, изчил амалга ошириш учун жойларда кам таъминланган оилалар фарзандлари рўйхати мактаб ота-оналар кўмитаси билан ҳамкорликда тузилди. Тайёрланган маълумотномаларда кийимларнинг сони ва ўлчами кўрсатилган бўлиб, улар ўқув йили бошланишига қадар бошқармага келади.

Мактаб кийими аввало ўқувчининг ўзига, ота-оналарга ва ўқитувчиларга манзур бўлиши лозим. Шу йилнинг январ ойида бошқармадаги томонидан киши кийимлар тикувчи ташкилотлар ўртасида тендер ўтказилди. Натижа чакки бўлмади. Болалар кийимларининг энг яхши намуналари танлаб олинди. Ўқув қуроллари учун 130 ташкилот билан бир миллиард 867 миллион 482 минг сўмлик, киши кийимлар учун эса бир миллиард 784 миллион 291 минг сўмлик шартнома имзоланди. Кийимлар маҳалли хом ашё асосида чиройли қилиб тикилаётди. Тошкентдаги «Орзу», «Мадина-Т», Андижондаги «Хўжаобод», «Андижон оёк кийим» акциядорлик жамиятларининг маҳсулотлари замонавий талабларга тўла жавоб бераётир.

ХАЛҚ ТАЪЛИМИДА МАРКЕТИНГ ХИЗМАТИ

Беруний туманидаги 10 та умумтаълим мактабида халқ истеъмол моллари ишлаб чиқариш ва пуллик хизмат кўрсатиш йўлга қўйилган. Айниқса, мактабларга ажратилган юз гектарга яқин ер майдони яшигинга даромад келтирмоқда. Бу эса ўз навбатида мактабларнинг

ва омухта ем ажратилишини сўраб қилган мурожаати, «Ёшлик» фермер хўжалиги раҳбари Н. Абдуназаровнинг 24 май кунги галла аҳолини кўриб чиқиш ҳақидаги уюшмага қилган илтимоси ҳам жавобсиз қолган. Бундай мисолларни кўплаб келтириш мумкин.

Фаллаорол туманида яқинда «Фермерлар уйи» иш бошлади. Бу яхши, албатта. «Фермерлар уйи»нинг вазифаси эса тadbиркорларга амалий ёрдам кўрсатишдир. Токи у ерга мурожаат билан борган ҳар бир ишбилармоннинг мушқули осон бўлсин. Уруғлик қидириб бозорга бозор сарсон бўлмасин...

А. АЗИМОВ, «ИШОНЧ» МУХБИРИ.

Ҳашар элга ярашар ТАЛАБАЛАР ҲИССАСИ

Термиз педагогика билим юрти талабалари кўп йиллардан буён, Музаббот ва Қизилқум тумани пахтакорларига етиштирилган пахта ҳосилини йиғиштириб олишда яқиндан ёрдам бериб келадилар. Бу йил эса улар Шеробод туманидаги Н. Муродов номи ширкат уюшмасига ҳар йилдаги қўшма илгарироқ отланишди.

Теримда иштирок этган 500 нафардан ортқ талабаларга уюшма раҳбарияти ва касабаси уюшма кўмитаси барча шарт-шароитни яратиб беришди. Ҳар беш кунда меҳнат ҳақлари тўлаб берилмоқда. Шинам дала шийпониди кундалик матбуот нашрлари, радио, телевизорлар бор. Шу боис талабалар дам олиш вақтларини кўнглили ва мароқли ўтказишмоқда.

Бактигул Шайдуллаева, Соҳида Чориева, Гулнора Йўлдошева, Маҳбуба Асророва каби талабалар теримда барчага ўрнатилган бўлиб, кунига 100 килограмдан ошдириб пахта теришмоқда.

— Талабаларнинг ётоқхоналари ва ошхоналари ҳамма вақт сараном-сарийшта. Уларнинг яхши ҳордиқ чиқаришлари учун кечки дам олиш пайтида дискотека ва бошқа турли маданий тadbирлар уюштирилади. Энг кўп пахта терган талабаларга уюшма маъмурияти ва касабаси уюшма кўмитаси томонидан эсдалик совғалар ва пул муқофоти бериб берилмоқда, — дейди билим юрти директори Мусурмонкул Пардаев.

Рустам ДАВЛАТ, «ИШОНЧ» МУХБИРИ.

ЯНГИ ҲОСИЛ ТОЛАСИ - ХОРИЖГА

«Зафаробод туман пахта тозалаш заводи» ҳиссадорлик жамияти мавсумни уюшқоқлик билан бошлади. Айни кунларда корхонанинг қуриштириш, тозалаш, чархлаш, момик ажратиш, тойлаш цехлари тўла қувват билан ишламоқда.

— Корхонамиз 4 сентябрдан буён янги ҳосилни қабул қилапти. Ҳозиргача 7,5 минг тоннадан зиёд ҳосил қабул қилинди. — дейди ҳиссадорлик жамияти раиси Д.Бердиев.

Бу йил корхона жамоаси 25 минг 384 тонна хом ашёни қайта ишлаб, ўз миқдорларига етказиб беришни режалаштирган. Корхона ўтган мавсумда 8 минг тонна сифатли тола тайёрлаб, унинг асосий қисмини АҚШ, Россия, Швейцария, Буюк Британия давлатларига сотган эди. Бу йил ҳам улар корхона тамғаси билан тойланган маҳсулотларни хорижга жўнатиш юзасидан шартномалар имзолашган.

Тайёр маҳсулотнинг дастлабки 300 тоннасини Швейцарияга жўнатилди.

Таажжуб!

ФЕРМЕР НЕГА САРСОН?

Фаллаорол туманида айни пайтда 310 та фермер хўжалиги фаолият кўрсатмоқда. Улардан 257 таси деҳқончилик, 53 таси чорвачиликка ихтисослашган. Tadbirkorлар фаолиятида йил сайин ўсиш кузатилаётир. Лекин жорий йилда фаллакор фермерлар гектаридан режадаги 12,3 ўрнига ўртача 5,2 центнердан дон йиғиштириб олди, холос. Бунга асосий сабаб — йилнинг кўрғоқчил келишидир. Аммо бошқа сабаблар ҳам бунга ҳамоҳанг бўлган кўринади...

А. Қодирий номли фермер хўжалиги раҳбари Абдулла Қўчоров деҳқончиликда суағи қотган кишилардан.

Манов, тўрт йилдирки, Э. Исмоилов номли хўжалик худудидида жойлашган Жума кишлоғида фермер хўжалиги ташкил этиб меҳнат қилаётди. Бу йил ҳам 30 гектар ердаги баҳорги, 50 гектардаги кузги бугдой ҳосилни йиғиштириб олди. Ўн гектар ердан бор йўғи 4,5 тонна бугдой олинди.

— Ўтган йилнинг охири ва шу йилнинг бошида уруғлик бугдой ололмадик, — дейди А. Қўчоров, — бу ҳақда Фермерлар уюшмаси туман вакиллиги, туман кишлоқ ва сув хўжалиги бошқармаси ҳамда бошқа тедади.

Биз туман деҳқон-фермер хўжаликлари уюшмасида бўлиб фуқа-

роларнинг мурожаатларига асосан қандай тadbирлар қурилатгани билан қизиқдик.

Бу ерга юборилаётган ва топширилаётган хат ва ҳужжатларни рўйхатга олиш китоби билан танишамиз. «Феруз» фермер хўжалиги раҳбари Д. Остонақулов 24 май кунги бугдой мурожаат қилиб, қарзини узиб беришда ёрдам сўрайди.

Раҳбар ҳуқуқшунос А. Ҳаққуловга амалий ёрдам кўрсатиш юзасидан топширик берган. Лекин унинг натижаси нима бўлди, бу ҳақда ҳеч қандай маълумот йўқ. «Элтинди» фермер хўжалиги раҳбари У. Мухторовнинг 19 май кунги 10 тонна кунжара

Ислоҳот инсон учун ЎН МИНГ КИШИ ИШЛИ БЎЛАДИ

Бугунги иқтисодий тартибимиз рағнакида қўшма корхоналар фаолияти диққатга сазовордир. «Косонсой-Текмен» Ўзбек-Турк қўшма корхонаси ҳам юртимиз иқтисодий тартибига ўз хиссасини қўшиб келмоқда. У Вазирлар Маҳкамасининг «Жун ип ва газламалар ишлаб чиқарувчи қувватларни барпо этиш тўғрисидаги қарори асосида ташкил этилиб, ўтган йил январ ойидан маҳсулот бера бошлади. Уни ташкил этишдан мақсад — юртимизда жунни қайта ишлаш ва жун маҳсулотларининг импорт ўринини қопловчи базасини яратишдан иборат эди.

Корхона ташкил этилаётганда Туркия тарафидан «ТИМИ» ширкати хиссадор-иштирокчи бўлди. Ўзбекистон томонидан эса Косонсойдаги шойи тўқиб фабрикаси ҳамда Европа Тиклашиш ва тараққиёт банки ҳомийлик қилишди. «Текмен» — ширкатлар гуруҳининг таркибига биз юқорида эслатган «ТИМИ» ширкати ҳам кирди.

«Косонсой-Текмен» қўшма корхонаси жунни қайта ишлашга ихтисослашган бўлиб, камвол (костюмбон), пальтобон газламалар, қўлда тўқиш ва қўлда гилам тўқиш учун мўлжалланган 2 хилдаги жун қалаваларини, шунингдек, янги технология бўйича жун билан табиий ипак аралаш газлама ҳам ишлаб чиқаради. Корхона маҳсулотлари эса «Қизилтонг» тикувчилик фабрикаси дўконларида, «Демир» супермаркетида, бошқа хусусий фирмалар орқали сотилмоқда. Энг муҳими, улар харидорларга манзур бўлмоқда.

«Косонсой-Текмен»да 1500 киши меҳнат қилари.

Фабрика туну кун, узлуксиз 3 сменада, шанба ва яшанба кунлари ҳам ишлайди. Ҳатто тушлиқ вақтида ҳам хизматчилар навбатма-навбат жун йиғирувчи дастгоҳларни, уларни бошқарувчи компьютерларни назорат қилиб турадилар. Фабрикада Европанинг машур «Паулус», «Шлумберг», «Со-хлер», «Брюкнер», «Ла-перба», «Беннигер», «Су-перба», «Бефам» ва бошқа фирмаларнинг замонавий технология дастгоҳлари ўрнатилган. Ана шундай илгор технология аппаратлар қўлланилиши боис, корхона маҳсулотлари ҳам машур бўлиб бормоқда.

Қўшма корхона негизда келажақда 7 та

Дилшод КОСИМОВ.

ҚОРАЎЗАҚДА «ТЕЗ ЁРДАМ» МАРКАЗИ

Қораўзақ туманидаги бирлашган ширкатлар билан жиҳозланган. Соғлиқни сақлош тизимини ислоҳ қилиш дастури изи аҳолига теъвор ва юқори малакали тиббий хизмат кўрсатмоқда. Марказнинг жарроҳлик, болалар ва терапия бўлимлари замонавий тиббий асбоб-ускуна-

лар билан жиҳозланган. Соғлиқни сақлош тизимини ислоҳ қилиш дастури изи аҳолига теъвор ва юқори малакали тиббий хизмат кўрсатмоқда. Марказнинг жарроҳлик, болалар ва терапия бўлимлари замонавий тиббий асбоб-ускуна-

1-октябрь — Ўқитувчилар ва мураббийлар куни-умумхалқ байрами

БАХТЛИ ИНСОН

Уни Қизғалдоқ қишлоғида ҳамма танийди. Ўқувчилар «устоз», катталар «домла» деб эҳтиром кўрсатишади. У эрта тонгданоқ Тошкент туманидаги Охунбобоев номли 9-мактаб сари ошиқади. Ховлиларни, синф хоналарини то дарс бошлангунча бир-бир кўздан кечирилади. Мактабга қадам қўйган илк ўқувчини кўпинча ўзи қаршилайди. Унинг ҳар бир куни шундай бошланади. Мана, 48 йил бўлибдики, шу одатини қанда қилмайди.



Охунбобоев номли жамоа ҳўжалигининг аъзолари - деҳқонлар оиласи Иноғом ака ва Нури опа Тўлагановларнинг фарзанди бўлган Хотам Иноғомов ҳам 1958 йилда ўрта мактабни тамомлагач, далалар бағрига отланди. Ота қўлидан кетмонини олган ўғилдан ҳўрсанд бўлди. Лекин дилида ўқиса, оқ қорани таниса яхши бўларди, деб ўйларди. Кейин Хотамжон Тошкент агрегат заводидан ҳам меҳнат қилди. Бир куни уйига кириб келган муаллим Раҳимжон Ориповни кўриб Иноғом ака ажабланди.

Салом аликдан сўнг мураббий муддаога кўчди: — Бир таклиф билан келдим. Замонанинг зайли билан Қизғалдоқдаги 9-мактабда 8 ойлик ўқитувчилар тайёрлаш курси очилди. Шунга Хотамжон борса. Ахир илм ҳамма вақт керак.

Шу тарихда устоз муаллим Раҳимжон Ориповнинг тавсияси билан Хотам Иноғомов курсда ўқий бошлади. 1961—62 ўқув йилида эса у илк бор болаларга сабоқ бергани синфга қадам қўйди. Низомий номидаги Педагогика институтини (ҳозир университет) нинг сиртки бўлимини тамомлагач 9-мактабга тарбиявий ишлар бўйича директор ўринбосари этиб тайинланди.

— Устоз аввало ўзи барчага намуна бўлиши керак, — дейди Хотам ака. — Юриш-туриш, муомала,

интилиш ҳатто, оиласи билан у ҳаммининг назарида туради. Устозга битта буюк бахт берилган, у ҳам бўлса келажақ авлодни баркамол қилиб тарбиялаш. Бу бахтга мушарраф бўлишнинг эса ўзи бўлмайди.

— «Шаталин услуби», «Абдурасулов услуби» бир вақтлар мактабларда машҳур эди, — сўраймиз Хотам акадан. — Улардан сабоқларингизда фойдаландингизми?

— Ўз дарс бериш услубини яратган муаллимларни жуда ҳўрмат қиламан. Уларнинг тажрибасини оммалаштириш ҳам кўпинча яхши самаралар беради. Лекин, ҳамма ўқитувчининг ўзига хос тақдорланмас дарс ўтиш услуби бўлгани яхши. Ҳозир мактабдаги муаллимларга тайинлайман: фалончи бундай дарс ўтар экан деб, эргашманг. Ундан ижодий ўрганнинг, ўзингизнинг қалбингиз буюрганини бажаринг. Лоф деб ўйламанг-у, ҳозир ҳар битта ўқитувчимизнинг педагогик тажрибасини ўрганса арзиғулик.

Чиндан ҳам мактабга кирган киши бу ерда муаллимлик санъат даражасига кўтарилганини кўриб қалби қувончга тўлади. Энг муҳими илм масканига қадам қўйишингиз билан қатъий интизом ҳўкми сураётганига амин бўласиз. Ораста синф хоналари, дошимандаларнинг дил сўзлари, кўргазма курулларнинг барчаси сизни ўзига ром этади.

— Охунбобоев номли жа-

ланинг юрагида ҳам меҳр чечаклари гул очади. Лекин эркаклар бор жойда қатъий интизом бўлади. Иккала ҳўлат бир бўлган жойда иш ҳаммаша кўнгилдагидек бораверади.

— Сиз она тили ва адабиёт ўқитувчисисиз. Шу фанлар ўқувчилар томонидан ардоқланишига эришиш учун нималар қилиш керак, деб ўйлайсиз?

— Аввало бу фанларга нисбатан муҳаббат уйғотиш керак. Сўнгра ўқитувчининг ўзи ҳам ўз фанига муҳаббатли бўлсин. Она тили ва адабиётни чуқур билган одам ҳамма фанларни пухта ўзлаштира олади. Мактабимизни битираётган ўқувчиларнинг кўпчилиги ҳар йили мамлакатимиз олий ўқув юртурларига ўқишга кираётгани, таълим ва тарбия соҳасида тўғри йўл тутганимиз, муҳаббатимиз нишонасидир.

Устоз бахти унинг шогирдларидир. Хотам аканинг қўлида таҳсил олган ўқувчилар бугун у билан елкама-елка туриб меҳнат қилмоқдалар. Заҳро Усмонова, Файрат Фафоров, Гулбаҳор Собирова — уларни саногига етиш қийин. Мактаб ёш ўлкашуносларининг «Хўмо» клуби аъзолари тайёрлаган уч авлод тарихи албомини кўриб бунга амин бўласиз...

...Кўчадан ўтиб кетаётган кишига ёшу-қари қўлини кўксига қўйиб салом беради.

— Ассалому алайкум устоз!

— Ассалому алайкум домла!

У саломларга алик олиб кадрдон мактаби сари ошиқади. У Ўзбекистон халқ ўқитувчиси, ўзининг ҳалол меҳнати билан эл ардоғига сазовор бўлган Хотам Иноғомовдир.

Темур УБАЙДУЛЛО, «Ишонч» муҳбири.

ҲАР ҚАНЧА ЭЪЗОЗЛАСАК ОЗ

Ўзбекистон қасаба уюшмалари Федерацияси Кенгаши ҳамда Таълим ва фан ходимлари қасаба уюшмаси Марказий қўмитаси ташаббуси билан Тошкент туманидаги 35-мактабда Ўқитувчилар ва мураббийлар кўнига бағишланган тантанали тадбир бўлиб ўтди. Унда тумандаги барча мактабларнинг вакиллари иштирок этдилар.

— Ўқитувчилик шарафли айна пайтда масъулиятли касбдир, — деди соҳа ходимларини муборакбод этиб Марказий қўмитараиси Зоир Қодиров. — Чунки ҳар бир инсон ҳаётда қандай муваффақиятга эришмасин, ўқитувчилар меҳнати алоҳида қадрланмоқда. Ўзбекистон қасаба уюшмалари Федерациясининг III курултойи таллабларидан келиб чиқиб Марказий қўмитамиз республикамизнинг барча вилоят ва туманларидаги кам таъминланган, ёрдамга муҳтож ва кўп болали ўқитувчилар ва шундай оилалар аъзолари бўлган ўқувчиларнинг ижтимоий-иқтисодий ва ҳуқуқий ҳимоясига алоҳида эътибор қаратмоқда. «Соғлом авлод йили» Дастури ҳамда Халқ

таълими вазирлиги билан тузилган шартнома асосида ижтимоий ҳимояга муҳтож оилаларнинг фарзандлари ёзги соғломлаштириш мавсимида болалар оромгоҳларига бепул йўлланмалар билан таъминландилар. Янги ўқув йили арафасида эса Қорақалпоғистон республикаси, вилоятлар ва Тошкент шаҳридаги таълим муассасаларининг қўмақталаб ходимлари фарзандларининг дарсликлар, ўқув куруллари олиб берилди.

Меҳнатда ибрат кўрсатган ташаббускор ўқитувчиларга дам олиш масканларига йўлланмалар ажратилди.

Шу ўринда таъкидлаш жоизки, таълим тизими ходимларининг ҳар томонлама муҳофазаси Соғлиқни сақлаш ва Агроросаноат мажмуи ходимлари қасаба уюшмалари Марказий қўмитасидан

нинг ҳам диққат-марказида бўлиб келмоқда. Улар томонидан тумандаги мактабларнинг тиббиёт хоналари ва ёрдамчи ҳўжалиқларига катта ёрдам кўрсатилди.

Тадбирда Тошкент тумани мактабларида таълим олаётган кам таъминланган оилалар фарзандларига 1 миллион 300 минг сўмлик дарслик ва ўқув куруллари, мактаб кутубхоналари учун бадий адабиётлар тақдим этилди. Тахрибали устозлардан 4 нафарига Ўзбекистон қасаба уюшмалари Федерацияси Кенгаши томонидан мағнитофон совға қилинди.

9-мактабда 25 йилдан бери бошланғич синфларга билим сирларини ўргатиб келаётган Наима Имомова ва 21 йиллик иш тажрибасига эга бўлган Насиба Санъатхўжаевларга Халқ таълими аълочили нишони топширилди. Таълим ва фан ходимлари қасаба уюшмасининг Тошкент вилоят қўмитаси эса 14 нафар ўқитувчини қимматбаҳо эсдалик совғалари билан тақдирлади.

Шуниингдек, тумандаги

бир қатор фаол ўқитувчиларни Тошкент вилоят қасаба уюшмалари Кенгаши фахрий ёрлиқлар билан мукофотлади.

— Қасбим билан фахрланаман, — деди Наима Имомова. — Чунки, ўқитувчилик қизиқарли ва хайрли касбдир. Болаларга берилган билим бир кун албатта ўз мевасини беради. Муҳими, ўзингдаги бор илм сирларини болажонларга етказиб бера олиш даркор. Бунда менга доимо Президентимизнинг: — Дунёда ҳар қайси касб-ҳўнarning ўзига хос ўрни, кадр-қиймати бор. Аммо уларнинг орасида энг улуғ ва шарафлиси бу ўқитувчилик касбидир, — деган сўзлари мадад бўлади.



Тантанали тадбирда Тошкент тумани ҳўкиммуовини, хотин-қизлар қўмитаси раиси Мастура Шокирова иштирок этиб фаол ўқитувчиларга туман ҳўкимлигининг фахрий ёрлиқларини топширди.

Муҳаббат УРМОНБЕКОВА, «Ишонч» муҳбири.



ЎЗБЕКИСТОН ТАЪЛИМ ВА ФАН ХОДИМЛАРИ ҚАСАБА УЮШМАСИ МАРКАЗИЙ ҚЎМИТАСИ

Республикамиздаги барча муаллим устозларни, олим-фўзаларни Ўқитувчилар ва мураббийлар кўни - умумхалқ байрами билан қизгин муборакбод этади.



Келажагимиз ворислари — ёш авлодни тарбиялашдек масъулиятли ва шарафли ишларингизда улкан муваффақиятлар тилайди.

